

Урганч шаҳар

"ТИБТЕХНИКА" МЧЖ бундан буён матнда "Ижрочи" деб аталувчи номидан раҳбари Эгамбердиев Б.Б. фаолиятини амалга оширувчи бир томондан Янгибозор ТУВ бундан буён матнда "Буюртмачи" деб аталувчи номидан раҳбари *М. Рахмонов* фаолиятини курсатувчи, иккинчи томондан, куйидагилар тугрисида ушбу шартномани тузишди.

### 1. Шартнома предмети

1.1. "Ижрочи" шартномада курсатилган махсулот(лар)ни етказиб беради. "Буюртмачи" эса шартномада курсатилган махсулот хакини уз вақтида ва белгиланган тартибда тулагандан кейин олиш мажбуриятини олади.

1.2

№	Махсулот номи	Ул. бир	Мик - дори	Нархи	Етказиб бериш киймати	ККС		Етказиб беришнинг (ККС) ҳисобга олинган киймати
						ставкаси	суммаси	
1	Индикатор стерил.Мед. ИС-132-/20-1 (1000) (Индикатор тестлари)	комп.	3	133,880.00	401,640.00	15	60,246.00	461,886.00
2	Индикатор стерил.Стери ТЕСТ-Узб-П-132-/20-2 (1000) с журналлом (Индикатор тестлари)	комп.	1	313,820.00	313,820.00	15	47,073.00	360,893.00
<b>ЖАМИ</b>					<b>715,460.00</b>		<b>107,319.00</b>	<b>822,779.00</b>

### 2. Шартнома нархи, баҳоси, суммаси (киймати)

2.1. Шартноманинг умумий киймати: Саккиз юз йигирма иккин минг етти юз етмиш туққиз сумни ташкил қилади. Шу жумладан бюджет маблағлари ҳисобидан *22 729 (эки юз эсакки юз етти иккис етмиш туққиз) соғме* - ( ) сум бюджетдан ташқари манбаалар ҳисобидан туланади.

### 3. Тулов шартлари

3.1. "Буюртмачи" "Ижрочи"нинг ҳисоб-рақамига шартномада курсатилган махсулот миқдори суммасининг 30 фоизини олдиндан 10 банк иш кунда утказишни уз зиммасига олади. Колган 70 фоизи махсулот тулик етказиб берилгандан кейин 10 банк кунда утказишни уз зиммасига олади. 3.2. Тулов тури пур ўтказиш бўли банк

### 4. Шартноманинг бажарилиш муддати

4.1. Шартноманинг 1.2-бандида курсатилган махсулот "Буюртмачи"га шартнома Газначилиқда руйхатга олиниб 30 % аванс тулови утказилгандан кейин 10 кунвакт ичида берилиши шарт.

4.2. Шартноманинг амал қилиш муддати: 2022 йил "12" "01" 2022 йил "31" декабрғача уз кунда қолади.

### 5. Тарафлар ҳуқуқлари

5.1. "Буюртмачи"нинг ҳуқуқлари:

5.1.1. Ушбу шартнома асосида белгиланган махсулотларни уз вақтида ва сифатли махсулотни етказишни "Ижро чи"дан талаб қилишга.

5.1.2. "Ижрочи"дан шартнома шартларини бажармаслик ёки лозим даражада бажармаслик натижасида етказилган зарарни талаб қилишга ҳақлидир.

5.2. "Ижрочи"нинг ҳуқуқлари:

5.1.1. Ушбу шартнома асосида белгиланган махсулотлар учун олдиндан ҳақ тулашни ва амалдаги шартнома ва конун ҳужжатларида белгиланган тартибда ҳисоб-китобларни амалга оширишни "Буюртмачи"дан талаб қилишга:

5.1.2. "Буюртмачи"дан шартнома шартларини бажармаслик ёки лозим даражада бажармаслик, махсулотни қабул қилишда асосиз равишда рад қилиш натижасида етказилган зарарни талаб қилишга ҳақлидир.

### 6. Тарафлар мажбуриятлари

6.1. "Ижрочи" мажбурияти:

6.1.1. Шартномада курсатилган талабларга риоя қилган ҳолда уз вақтида "Буюртмачи"га махсулотни етказиб бериш.

6.1.2. Тегишли даражада сифатли булмаган махсулот юборилганлиги тугрисида билдириш (хабарнома) олгандан сунг сифатли булмаган мол-мулкни 1 кун ичида алмаштириб бериш ёки ушбу шартноманинг 1.2-бандига асосан сифатли булмаган махсулот баҳосини қайтариб бериш.

6.2. "Буюртмачи" мажбурияти:

6.2.1. Махсулотни қабул қилиш далолатномасини тузган ҳолда ушбу шартномада ва конун ҳужжатларида белгиланган бутлаш тартибига, сонига, сифатига қараб муддатда махсулотни қабул қилиб олиш.

6.2.2. Тегишли даражада сифатли булмаган махсулот қелиб тушгани аниқлангандан кейин, бу ҳақда далолатнома ёзилиб 24 соат ичида "Ижрочи"ни огоҳлантириш.

6.2.3. Махсулотнинг баҳосини ушбу шартномада белгиланган миқдорда ва муддатда тулаш.

### 7. Тарафлар жавобгарлиги

7.1. Махсулот бериш вақтида шартнома бандларига тулик риоя қилмаганлиги учун айбдор тараф бошқа тарафга етказилган зарарни тулик қоплайди ва кечиктирилган хар бир кун учун 0,5 % миқдорда пеня тулайди, лекин 50% миқдордан ошиб кетмаслиги керак.

7.2. "Ижрочи" "Буюртмачи"га махсулотни уз вақтида етказиб бермаган хар кун ичун махсулот баҳосидан 0,5% миқдорда пеня тулайди, лекин етказиб берилмаган махсулот суммасининг 50 % дан ошиб кетмаслиги керак.

7.3. Шартнома талабларида курсатилган сифатлардаги ҳамда бутлашдаги мол-мулк берилмаган булса, ижрочи тараф 5% миқдорда пеня тулайди, лекин етказиб берилмаган махсулот суммасининг 50 % дан ошиб кетмаслиги керак..

7.4. Тегишли даражада сифатли булмаган мол-мулкни уз вақтида алмаштиришдан бош тортса, "Ижрочи" 5% миқдорда жарима тулайди.

7.5. Махсулот учун "Буюртмачи" уз вақтида ёки тулик туловни амалга оширмаган булса, кечиктирилган хар бир кун учун маблағ миқдоридан 0,5% пеня тулайди, лекин 50% миқдордан ошиб кетмаслиги керак.

7.6. "Ижрочи" оғборидан уз вақтида мол-мулк олиб қикиб кетилмаса, агар бу томонларнинг қелишувига асосан қузда тутилган булса, "Буюртмачи" хар бир утказиб юборилган кун учун "Ижрочи"га оғборда сакланганлигидан қелиб қиккан зарар учун 0,5% миқдорини жарима тулайди.

7.7. Жарима тулаш тарафларни шартномада курсатилган мажбуриятларини бажаришдан озод қилмайди.

8.1. Ҳеч бир тараф иккинчи тараф олдида узига боғлиқ бўлмаган сабабларга қура ва энгил булмас қуч мавжуд булган тақдирда ушбу шартномада курсатилган мажбуриятлари буйича жавобгар эмас. Уриш эълон қилиниши ёки бошланиши, фуқаролар тартибсизлиги, эпидемия, эмбарго, ер қимирлаши, сув тошқини, ёнгин ва бошқа табиий офатлар шулар жумласидандир.

8.2. Агар бартараф қилиб бўлмайдиган қуч уч ой узлуксиз давом этса, тарафлар, бир-бирини ёзма равишда огоҳлантириб, шартноманинг ижросини бекор қилиш мумкин.

### 9. Низони хал қилиш тартиби

9.1. Ушбу шартномада ёки унга боғлиқ масалалар юзасидан келиб чиқадиган барча низолар энг аввало тарафларнинг қелишуви билан хал қилинади.

9.2. Тарафларнинг қелишуви билан хал қилиб бўлмайдиган низолар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда иктисодиёт суди орқали хал қилинади

### 10. Шартномага узгартириш ва қушимчалар қиритиш тартиби

10.1. Ушбу шартномага қиритилган барча узгартириш ва қушимчалар фақат иккала тараф томонидан ёзма равишда тузилиб, имзо қуйилгандан ва газначилик бўлинмасидан руйхатдан утқазилгандан кейингина юридик қучга эга бўлади.

10.2. Шартномани тарафларнинг узаро қелишувига асосан ёки Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексига ҳамда амалдаги қонун ҳужжатлари нормаларига биноан қелтирилган зарарни тулаган ҳолда муддатидан илгари бекор қилиши мумкин.

### 11. Бошқа ҳолатлар

11.1. Ушбу шартнома иккала тараф учун бир хил юридик қучга эга бўлиб икки нусхада тузилган. Шартнома Газначилиқдан руйхатдан утқазилгандан кейин юридик қучга эга ҳисобланади.

11.2. Тарафларнинг бошқа талаблари: \_\_\_\_\_

11.3. Шартномага илова: \_\_\_\_\_

### 12. Тарафларнинг юридик манзилгоҳи ва тулов реквизитлари

#### "ИЖРО ҚИЛУВЧИ"

"ТИБТЕХНИКА" МЧЖ

Манзил: г.Ургенч ул.Тинчлик 31

Тел: 228-70-10, 228-68-26

Х/Р: 20208000000491063001

Банк номи: "ИПОТЕКА-БАНК" г Ургенч

Банк манзили: Ургенч

МФО: 00579

СТИР 200408474

ОКОНХ 71150

ИФУ 46460

М.П.

Эгамбердиев Б.Б.

#### "БЎЮРТМАЧИ"

Янгибозор ТТБ

Манзил: Янгибозор тумани

Тел: 41-64-095

ш/хр:

Тел: 62-41-940-95

СТИР(ИНН) 201018832

ОКОНХ: 86100

Газначилик бўлинмаси номи: 8832 XXТУТ: 91511

BANK: TOSHKENT SH. MARKAZIY BANK HKKM

Газна х/в

Банк номи:

МФО:

Газначилик бўлинмаси: СТИРи

Раҳбар:

Изоҳ: Бюджетдан маблағ олувчининг газначилик бўлинмасида очилган тегишли шахсий ҳисобварағи курсатилади.

Хуқуқшунос: \_\_\_\_\_

\_\_\_\_\_ 20 йил

Yangibozor tuman tibbiyot birlashmasi va "TIBTEXNIKA" ma'suliyati cheklangan jamiyati o'rtasida tuzilgan "Mahsulot yetkazib berish haqida"gi shartnomani huquqiy ekspertizadan o'tkazish yuzasidan

## XULOSA

2022 yil 17 yanvar

Yangibozor tumani

Men Yangibozor tuman Yuridik xizmat ko'rsatish markazi boshlig'i N.Nurjonov, O'zbekiston Respublikasi Prezidentining 2021 yil 29 iyundagi PQ-5168-son qarori bilan tasdiqlangan "Yuridik xizmat ko'rsatish markazlari to'g'risida"gi Nizomga asosan Yangibozor tuman tibbiyot birlashmasi va "TIBTEXNIKA" ma'suliyati cheklangan jamiyati o'rtasida 2022 yil 17 yanvar kuni tuzilgan "Mahsulot yetkazib berish haqida"gi № 19/4-sonli shartnoma loyihasini o'rganib chiqib, uni huquqiy ekspertizadan o'tkazdim.

Yuqorida nomlari ko'rsatilgan yuridik shaxslar o'rtasida tuzilgan "Mahsulot yetkazib berish haqida"gi № 19/4-sonli mazkur shartnoma O'zbekiston Respublikasining "Xo'jalik yurituvchi sub'ektlar faoliyatining shartnomaviy-huquqiy ba'zasi to'g'risida"gi 1998 yil 29 avgustdagi Qonunining 10, 20, 21 moddalari va O'zbekiston Respublikasi Fuqarolik Kodeksining 386-424-moddalari normalari bilan tartibga solingan.

Shartnomaning umumiy summasi jami 822 779(sakkiz yuz yigirma ikki ming etti yuz etmish to'qqiz) so'mni tashkil qilib, shartnomani imzolagan Yangibozor tuman tibbiyot birlashmasi boshlig'i KTMP mudiri v.b M.Vaisova va "TIBTEXNIKA" ma'suliyati cheklangan jamiyati rahbari B.Egamberdievlarga yuridik shaxs Nizomiga hamda chiqarilgan buyruqlarga asosan birinchi imzo huquqi berilgan.

Shartnomani imzolashda xo'jalik shartnomalarini tuzishning erkinligi, taraflarning o'zaro manfaatdorligi, shartnoma intizomiga rioya etish, taraflarning o'zaro mulkiy javobgarligi printspilariga to'liq rioya qilingan va taraflarning huquqlari hamda majburiyatlari aniq ko'rsatib o'tilgan.

Yuqoridagilarga hamda O'zbekiston Respublikasining "Xo'jalik yurituvchi sub'ektlar faoliyatining shartnomaviy-huquqiy ba'zasi to'g'risida"gi Qonunining 20-21-moddalariga asosan;

## XULOSA QILINDI:

Yangibozor tuman tibbiyot birlashmasi va "TIBTEXNIKA" ma'suliyati cheklangan jamiyati o'rtasida 2022 yil 17 yanvar kuni tuzilgan "Mahsulot yetkazib berish haqida"gi № 19/4-sonli shartnoma loyihasi amaldagi qonun hujjatlari asosida ishlab chiqilganligi va qonunchilik texnikasi talablariga muvofiqligi qayd etilsin.

Yangibozor tuman yuridik xizmat  
ko'rsatish markazi boshlig'i



Nurjonov